

ISSN: 2181-9416



# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА \* LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ  
БИБЛИОТЕКА  
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416  
Doi Journal 10.26739/2181-9416

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

6 СОН, 2 ЖИЛД

## ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 6, ВЫПУСК 2

## LAWYER HERALD

VOLUME 6, ISSUE 2



TOSHKENT-2022

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ.  
ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

**1. ОЧИЛОВ Ўткир Сайфуллоевич**

ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА МАДАНИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТНИНГ ЎРНИ . 8

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.  
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

**2. НАРИМАНОВ Бекзод Абдувалиевич**

НОДАВЛАТ ТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИГА ЎЗИНИ ЎЗИ ТАРТИБГА СОЛИШ ҲУҚУҚИНИ  
БЕРИШ: НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАР ..... 13

**3. МУРОДУЛЛАЕВА Гулинур Хикматулло қизи**

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ  
ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ ..... 19

**4. АДILКАРИЕВА Феруза**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ВАКОЛАТЛАРИНИНГ  
ТАКОМИЛЛАШУВ ДИНАМИКАСИ ..... 26

**5. РАХМОНОВ Зафаржон Зайниддинович**

КОРРУПЦИЯ ВА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИНИ  
БЕКОР ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ..... 31

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ.  
ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

**6. САЙДИВАЛИЕВА Хуршида Ходжиакбаровна**

ОИЛАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ  
ТАРТИБГА СОЛИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА ..... 36

**7. ДЖУМАНОВ Аскар Хасанович**

ПРАВОВАЯ ПРИРОДА ХОЗЯЙСТВЕННОГО ТОВАРИЩЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ ..... 42

**8. ИЛХОМБЕКОВ Жасурбек Илхомбек ўғли**

АХБОРОТ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ, ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТИ ВА КАФОЛАТЛАРИ ..... 49

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

**9. MURODULLAYEV Dostonjon Nigmatullo o'g'li**

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИНГ ТАРАФЛАР ИХТИЙОРИГА БОГ'ЛИҚ ВО'ЛМАГАН HOLATLAR  
ВО'ЙИЧА БЕКОР ҚИЛИНИШИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ..... 54

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

**10. ЮНУСОВ Ҳайдарали**

ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ СИЁСАТИ:  
МУВОЗАНАТЛАР ГИРДОБИ ЁКИ ДОР УСТИДАГИ ДОРБОЗ ..... 61

**11. МАХАМАТОВ Махмуд**

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ДОИРАСИДА МИГРАЦИЯНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ  
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ..... 69

**12. РАСУЛОВ Журабек Абдусамиевич**

МЕҲНАТ СОҲАСИДА БИРЛАШИШ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПИГА ОИД ХАЛҚАРО  
СТАНДАРТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ ..... 74

**13. РАШИДОВА Комила Искандаровна**

ЮРИДИЧЕСКАЯ КВАЛИФИКАЦИЯ СОВРЕМЕННЫХ ФОРМ РАБСТВА КАК  
МЕЖДУНАРОДНОЕ ПРАВОНАРУШЕНИЕ ..... 81

<b>14. ТУРСУНОВ Ойбек Батырович</b> ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ .....	87
<b>15. ЕСЕМУРАТОВ Алишер Избасарович</b> МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ ТРУДОВОЙ МИГРАЦИИ ....	91
<b>16. ГАНИБАЕВА Шахноза Каримбердиевна</b> ОБЕСПЕЧЕНИЕ НАИЛУЧШИХ ИНТЕРЕСОВ РЕБЕНКА КАК ГАРАНТИЯ РЕЛИЗАЦИИ ПРАВ РЕБЕНКА: АНАЛИЗ МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫХ ДОГОВОРОВ.....	96

**ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

<b>17. ФАЙЗИЕВ Хайриддин Сирожиддинович</b> ЮРИДИК ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИДА ҲУҚУҚИЙ ИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ .....	102
<b>18. ШАЯХМЕТОВА Айым Галымбековна</b> ЗАЩИТА ПРАВ ЧЕЛОВЕКА В РЕСПУБЛИКЕ КАЗАХСТАН И РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: ПРИНЦИПЫ СУДОПРОИЗВОДСТВА АДМИНИСТРАТИВНОЙ ЮСТИЦИИ .....	107
<b>19. ЮЛДАШЕВА Говхержан</b> САМАРКАНДСКИЙ ГЛОБАЛЬНЫЙ ФОРУМ ПО ОБРАЗОВАНИЮ В ОБЛАСТИ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ В СФЕРЕ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН .....	112

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

## ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

**ОЧИЛОВ Ўткир Сайфуллоевич**

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси  
Миллий маркази бўлим бошлиғи, юридик фанлар доктори (DSc), доцент  
E-mail: uchilov@yahoo.com

## ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА МАДАНИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТНИНГ ЎРНИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** ОЧИЛОВ Ў.С. Ҳуқуқий онг ва маданиятнинг шаклланишида ҳуқуқий ахборотнинг ўрни // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. №6 (2022) Б. 8-12.



6 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-6-1>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада ҳуқуқий онг ва маданиятнинг шаклланишида ҳуқуқий ахборотнинг ўрни ўрганилган. Бунда муаллиф томонидан ҳуқуқий ахборот тушунчаси остида ҳуқуқий матнларнинг қадриятларни ифодаладиган иккинчи, остки қатлами мазмуни муҳокама қилинган. Муаллифга кўра, айнан ана шу мазмун инсоннинг ҳуқуқий онги ва маданияти шаклланишида муҳим аҳамиятга эга.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий қадриятлар, ахборот-психологик муҳит.

**ОЧИЛОВ Уткир Сайфуллоевич**

Начальник отдела Национального центра Республики Узбекистан  
по правам человека, доктор юридических наук (DSc), доцент  
E-mail: uchilov@yahoo.com

## РОЛЬ ЮРИДИЧЕСКОЙ ИНФОРМАЦИИ В ФОРМИРОВАНИИ ПРАВОСОЗНАНИЯ И ПРАВОВОЙ КУЛЬТУРЫ

### АННОТАЦИЯ

В статье изучена роль юридической информации в формировании правового сознания и культуры. В то же время автором рассмотрен второй, нижний слой, который представляет ценности содержания законных текстов в соответствии с концепцией юридической информации. По словам автора, это важно в формировании правосознания и культуры человека.

**Ключевые слова:** правовое сознание, правовая культура, правовые ценности, информационно-психологическая среда.

OCHILOV Utkir

Head of department of the The National Human Rights Center  
of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Science in Law  
E-mail: uchilov@yahoo.com

## THE ROLE OF LEGAL INFORMATION IN THE FORMATION OF LEGAL CONSCIOUSNESS AND LEGAL CULTURE

### ANNOTATION

The article studies the role of legal information in the formation of legal consciousness and legal culture. The author discusses the second, lower layer of legal texts under the concept of legal information, which generates value content. According to the author, it is this content of law that is of great importance in the formation of legal consciousness and legal culture of a person.

**Keywords:** legal consciousness, legal culture, legal values, information and psychological environment.

Бугунги кунда фаол, бунёдкор, инсоний ва фуқаролик позициясига эга, қонунларга ҳурмат руҳида тарбияланган инсонларни вояга етказиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий сиёсатнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев илгари сурган “Янги Ўзбекистон - демократик қонунлар, юксак ҳуқуқий маданиятга эга фуқаролар мамлакатидир” [1, Б.69] – деган ғоянинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган ҳуқуқий ахборот ҳамда тарғибот материалларини тайёрлаш ва тезкор тарқатиш, ҳуқуқий ахборотни тарқатишда инновацион ёндашувларни қўллаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларини расмий эълон қилиш соҳасида салмоқли ютуқларга эришди. Жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манба — Lex.uz сайти юритилипти, ҳозирги кунда ушбу базада 100 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жойлаштирилган бўлиб, бир ойда 1,5 миллион одам сайтда мунтазам фойдаланиб келади [13]. Барча аҳоли қатламларини бепул ҳуқуқий ахборот ва маслаҳат билан таъминлашни назарда тутувчи 10 дан ортиқ ҳуқуқий сайтлар (advice.uz, norma.uz, Миллий ҳуқуқий интернет портали, insonhuquqlari.uz, bolahuquqlari.uz, test.adliya.uz, yurxizmat.uz, hudud24.uz) ишга туширилган. Шу билан бирга, ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантиришда ҳуқуқий ахборотдан фойдаланиш самарасини ошириш масаласини таҳлил қилиш талаб қилинади.

Албатта, инсоннинг ҳуқуққа бўлган муносабати ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Муносабат ижобий бўлганида инсон ҳуқуқни қадрлайди, ҳурмат қилади. Салбий бўлганида, аксинча, ҳуқуқни менсимайди, таҳқирлайди, ўзи учун кераксиз юк деб ҳисоблайди. Инсоннинг ҳуқуққа нисбатан қандай муносабатда бўлиши, унинг бошқа инсонлар билан муносабатларга киришиши вақтида, қонун талабларига риоя қилишида, турли ҳаётий ҳолатлардаги ҳатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Бу кўрсаткичлар инсоннинг ҳуқуқий онги ва маданияти даражасини кўрсатиб туради.

Инсоннинг ҳуқуқни ҳурмат қилишини белгилайдиган онг ҳолатини эркинлик ва маданият, аксинча ҳуқуқни менсимаслик руҳидаги онг ҳолатини ўзбошимчалик ва ёввойилик, деб айтиш мумкин. Инсон ўз эҳтиёжларини қондириш учун бошқалар ҳуқуқ ва эркинлигига фақат ёввойилик ҳолатидагина тажовуз қилади. Эҳтиёжларни қондиришнинг ёввойи усули қонунлар билан ман этилади, қонунлар билан ман этилмаган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатлар эҳтиёжларни қондиришнинг маданий усулига киради.

Аҳолининг ҳуқуқий онг ва маданияти даражасини оширишда жамиятнинг ҳар бир аъзосини ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан хабардорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга [6, Б.14-15]. Шу билан бирга, ҳуқуқий ахборот, яъни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларга оид расмий шарҳлар, уларнинг қўлланилиш тартиби тўғрисидаги тушунтиришлар, Конституциявий суд ва Олий суд Пленуми қарорлари матнлари, шунингдек суд амалиётини умумлаштириш материалларини [2] аҳолига тарқатишнинг ўзи ҳуқуқий онг ва маданият юксалишини таъминлаш учун етарли бўла оладими? - деган саволга жавоб беришимизга тўғри келади.

Инглиз ҳуқуқшунос олими Г.Хартнинг фикрича, ҳуқуққа нисбатан икки хил нуқтаи назардан:

ҳуқуқ нормаларини тан олмайдиган инсон нуқтаи назаридан ҳамда улардан ўз хулқ-атвори учун юриш-туриш қўлланмаси сифатида фойдаланадиган жамият аъзоси нуқтаи назаридан муносабатда бўлиш мумкин [8, Б.94].

Масалан, светофорнинг қизил чироғи бу тўхташни англатувчи белги. Қизил чироқда тўхтаганлик - бу ҳуқуқий хулқ-атвор қоидалари ва мажбуриятларга риоя қилиш намунаси. Инсон светофорнинг қизил чироғида тўхтади ва “Бу менинг мажбуриятим” шаклида фикрлайди, бу унинг ҳуқуқ нормаларига бўйсунувчи хулқ-атворининг вазиятга жавоби бўлади. Уша инсон хулқ-атвориға эътироз билдирилса, у қонун-қоидаларға мурожаат қилиб ўзини оқлашға ҳаракат қилади, бу унинг қоидаларни тан олганлигини кўрсатади. Қонун-қоидаларни тан олганлиги нафақат унинг қоидаларға риоя қилганида, балки улардан четга чиққанда ўзини ва бошқаларни танқид қилишида намоён бўлади [8, Б.143]. Г.Хартнинг сўзларига кўра, жамият аъзоларининг кўпчилик қисми ҳаётида ҳуқуқий нормалар жамиятда яшаш ва фаолият кўрсатиш бўйича хулқ-атвор қўлланмаси вазифасини бажаради [8, Б.96].

Лекин жамиятнинг барча аъзолари ҳам ҳуқуқий нормалардан хабардор бўлса-да, уларни яшаш ва фаолият кўрсатиш қўлланмаси сифатида қабул қилмайди. Ҳуқуқий нормаларни тан олмайдиган ва уларға риоя қилмаслик салбий оқибатларға сабаб бўлиши мумкинлиги учунгина уларға риоя қиладиганлар жазоланиш таҳдиди бўлганлиги учунгина светофорнинг қизил чироғида тўхтади ва ўзининг хулқ-атвори тўғрисида “Агар мен шундай қилмасам, мени жазолашлари мумкин” шаклида фикрлайди, лекин унда “Бу менинг мажбуриятим” каби фикрлаш бегона бўлади [8, Б.95].

Демак, агар инглиз олимнинг хулосаларини қабул қиладиган бўлсак, инсоннинг ҳуқуқ нормалари ва ҳуқуқий амалиётдан хабардорлигининг ўзи унинг ҳуқуқни тан олиши ҳамда унга ўзининг бурчи ва мажбурияти сифатида риоя қилишини таъминлаш учун етарли бўлмайди. Бунинг учун ҳуқуқий ахборотдан хабардорлик билан бирга жамият аъзоларида ҳуқуққа нисбатан ишонч ва ҳурмат муносабати шаклланиши ҳам муҳим бўлиб ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқ тўғрисида кўплаб маълумот тўплаган, қонунларнинг талабларини яхши ўзлаштирган бўлиши мумкин. Лекин ҳуқуқни билиш ҳали унга онгли равишда амал қилиш дегани эмас. Тадқиқотлар ҳуқуқбузарликка ҳуқуқий нормаларни билиш ёки билмаслик даражасининг ҳал қилувчи аҳамияти йўқлигини тасдиқлайди [5, Б.45]. Яъни ҳуқуқий онг ва маданият даражаси инсоннинг қанча сондаги қонун-қоидаларни билиши билан эмас, балки қонунларни, тартиботни, ўз ҳуқуқ ва эркинликлари билан бирга бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қанчалик даражада ҳурмат қилиши ҳамда кундалик хулқ-атворида буни намоён қилиши билан белгиланади.

Агар ҳуқуқий ахборотдан хабардорликнинг ўзи жамият аъзоларида ҳуқуққа нисбатан ишонч ва ҳурмат муносабати шаклланиши учун етарли бўлмаса, унда яна қайси омиллар бу жараёнға таъсир қилади?

Социолог олима Ж.Маткаримоваға кўра, инсонда ҳуқуққа нисбатан муносабатнинг, ҳуқуқий онг ва маданиятнинг шаклланишида ҳуқуқий тарбия муҳим ўринға эга. Унга кўра, “ҳуқуқий тарбия ва маданиятни шакллантиришнинг мақсади қонунға итоаткорликни, қонунни ҳурмат қилишни ва нафақат ҳурмат қилиш, ҳуқуқ нормаларига нисбатан ташқи кўрсатмалар, таъқиқлар орқали шунчаки риоя қилишнигина эмас, балки шахс билан жамият бир-бириға мос тушган қадриятлар сифатида узвий идрок этишни англатишдадир” [7, Б.20].

Инсон бошқалар билан муносабатға киришганида унинг олдида икки йўл бўлади: биринчиси, ўзининг эҳтиёж ва манфаатларини амалға оширишда қонун талаблари асосида йўл тутиш; иккинчиси, қонунларни бузиб, четлаб ўтган ҳолда ўз мақсадларига эришиш. Бунда қандай йўлни танлаш инсоннинг иродасиға боғлиқ ва бу ирода ҳуқуқий хулқ-атворға айланадими ёки ғайриҳуқуқий ўзбошимчаликка айланадими, бунда инсоннинг қадриятлари ва ҳуқуқий тарбияланганлиги ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Инсон онги ижтимоий-қадриятли хусусиятға эга бўлиб, унда ақлий ҳамда ҳиссий-эмоционал, миллий-маданий ва анъанавий жиҳатлар қўшилиб кетган бўлади. Инсоннинг туғилиши билан бошланадиган тўхтовсиз ғоявий-ҳуқуқий эволюция жараёнида инсоннинг хулқ-атвори шаклланади. Инсон онги оддийдан мураккабға қараб ривожланади. Ҳеч ким қаҳрамон бўлиб ҳам, жиноятчи бўлиб ҳам туғилмайди. Уни қаҳрамонға айлантириши мумкин бўлган қадриятлари ҳам, жиноятчиға айлантириши мумкин бўлган салбий иллатлари ҳам унинг онги ҳамда онг остида кечадиган руҳий ва ғоявий-ҳуқуқий эволюция жараёни билан боғлиқ.

Шунинг учун ҳуқуқий онг ва маданиятнинг шаклланиши жараёни воқелигини ўрганишға, авваламбор, инсоннинг қонун-қоидаларға ҳурмат руҳида тарбияланганлиги ва бунга ахборот-психологик муҳитнинг таъсири нуқтаи назаридан ёндашиш муҳим. К. Юнгнинг тақидиға кўра, “ижтимоий тартиботни қонун эмас, балки тақлид қилиш яратади, бу тушунчаға, шунингдек,

таъсир кўрсатиш, ишонтириш ва маънавий заҳарлаш ҳам киради” [9, Б.180]. Инсон ёшлигида қанчалик тартиб, масъулият, интизом ва эзгуликни кўрса, ўзи учун идеал деб ҳисоблайдиган инсонлар хулқ-атворида ахлоқий ва ҳуқуқий тартибнинг қатъий амал қилинишини кузатиб, руҳий тажрибадан ўтказса, у шунчалик юксак маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий принципларга мувофиқ яшашга мойил, қонунларни, ўзининг ва ўзгаларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва манфаатларини ҳурмат қиладиган инсон бўлиб улғаяди.

Демак ҳуқуқий онг ва маданиятнинг шаклланишида ҳуқуқий ахборотдан хабардорликдан ташқари, қадриятларни қарор топишида муҳим роль ўйнайдиган қонун-қоидаларга ҳурмат руҳида тарбияланганлик ва ахборот-психологик муҳит ҳам ҳал қилувчи омиллар бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқий ахборот, ҳуқуқий тарбия ва ахборот-психологик муҳит инсонга алоҳида-алоҳида, бир-биридан ажралган ҳолда таъсир қилмайди, балки улар ўзаро узвийликда ҳуқуқий таъсир этишдаги бўшлиқларни тўлдиради. Шунинг учун ҳуқуқий ахборотнинг мазмунида ҳуқуққа нисбатан ишонч ва ҳурматнинг юксалишига хизмат қиладиган умуминсоний ва миллий-маданий қадриятларнинг сингдирилганлиги, миллий-маънавий ва ахлоқий тамойилларга мувофиқликнинг аҳамияти муҳим бўлади.

Шунинг учун муайян бир жамиятда амал қиладиган ҳуқуқий ахборот, аваломбор, шу жамият аъзоларининг маданий мансублигига қараб, улар учун амалий мазмун ва аҳамият касб этади. Академик А.Саидов ҳуқуқий тизимларни норматив қиёслаш нуқсонлари тўғрисида ёзиб, турли ҳуқуқий тизимларда ўхшаш ҳуқуқий иборалар бир хил маънога эга эмаслиги ҳамда айни ҳуқуқий норма ва институтларнинг турли функцияларни бажариши мумкинлигига эътибор қаратган [3, Б.16]. М.Ахмедшаева миллий ҳуқуқни рецепция воситасида ривожлантириш муаммоларини таҳлил қилиб, хорижий ҳуқуқий тизимлардан ҳуқуқий институт ва нормаларни миллий ҳуқуққа жорий қилишда, унинг мамлакат миллий-тарихий моделига зиён етказиши, ҳаётга бегона қадриятларнинг олиб кириши ва оқибатда миллий ҳуқуқ тизимини таназзулга олиб бориши мумкинлигини ҳам ҳисобга олиш кераклиги тўғрисида фикр-мулоҳаза юритган [4, Б.136-137]. М.Ахмедшаеванинг фикрича, бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун, авваламбор, рецепция қилиниши назарда тутилган норма ва институтларни ҳар томонлама илмий тадқиқ этиш, унинг оқибатларини олдиндан башорат қилиш, тажрибалар воситасида синаб кўриш лозим [4, Б.144].

Француз ҳуқуқшунос олимлари А. Матулевска ва А. Вагнернинг хулосаларига кўра, миллий маданият мазмуни ҳуқуқий матнларда ўз ифодасини топади ва буни ҳисобга олмасдан ўзга маданий муҳитда яратилган хорижий ҳуқуқий матнларни таржима қилиб, рецепция қилиш ҳуқуқий тизим учун жиддий салбий оқибатларга олиб келиши мумкин [11, Б.1238-1239]. Польшалик ҳуқуқшунос олим М.Андрушкевичга кўра, ҳуқуқ маданиятнинг ҳам маҳсули, ҳам таркибий қисми бўлиб, ҳуқуқий матнлар тили у мансуб бўлган маданият мазмуни хусусиятларининг ифодасидир. Ҳуқуқ жамиятда илдиз отган ва умумий бўлган маросимлар, одатлар, фикрлаш парадигмалари, эътиқодлар, рамз ва белгиларни акс эттиради. Шунинг учун ҳуқуқий матнлар жамиятнинг маданий, ижтимоий ва қадриятли хусусиятлари тўғрисидаги ахборотни узатиш воситаси сифатида ҳам кўриб чиқилиши керак [10, Б.614].

“Танқидий юридик позитивизм” назарияси асосчиси, финляндиялик ҳуқуқшунос олим К. Туорининг фикрига кўра, ҳуқуқ кўп қатламли воқелик бўлиб, у фақат қонунлар, низомлар ёки суд қарорлари билан чегараланмайди, унинг остки қатламлари маданият ва қадриятларни ҳам қамраб олади. Унинг фикрича, ҳуқуқ нормалари ва ҳуқуқ матни бир нарса эмас, матнлар бизга нормалар тўғрисида ахборот узатади, шунинг учун ҳуқуқий нормалар мазмунини фақат ҳуқуқий матнни талқин қилиш орқали аниқлаш мумкин. Ҳуқуқий матнни талқин қилиш воситасида ҳуқуқнинг остки қатламини, ҳуқуқий маданият мазмунини аниқлашга эришилади [12, Б.129].

Юқоридаги хулосалар бизни ҳуқуқий ахборот тўғрисида сўз юритганда унинг иккинчи, остки қатлами – миллий маданият ва қадриятларни ифодалайдиган мазмуни ҳам мавжудлигини ҳисобга олишимизга асос яратади. Унга кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларга оид тушунтиришлар, суд амалиёти маълумотлари ўзининг соф норматив мазмунидан ташқари, миллий қадриятлар билан боғлиқ мазмунга ҳам эга.

Ҳуқуқий ахборотда халқнинг тарихи, турмуш тарзи, маънавияти, анъаналари билан боғлиқ бўлган, жумладан, меҳр-оқибат, ҳурмат-иззат, ягона эътиқодлилик, анъанавий оилага содиқлик, ватанга муҳаббат, ота-она ва фарзандларга ғамхўрлик, ҳалоллик каби қадриятлар ўз ифодасини топса, унинг хулқ-атворга таъсир этиш самараси юқори бўлади.

Айни бир ҳуқуқий ахборот турли маданиятга мансуб инсонлар учун турли қадриятларни ифодалаши мумкин. Масалан, “ота-она ўз фарзандларини вояга етганча моддий таъминлашга мажбурдирлар”, деган ҳуқуқий матн айрим маданиятларда вояга етган фарзанднинг ҳаёти учун ота-она масъул эмас, - деган мазмунга эга бўлса, ўзбек маданиятида ота-она вояга



етган фарзандини мустақил ҳаётга ўргатиши кераклигини англатади. Худди шундай, ўзбек халқида “воёга етган фарзандлар меҳнат лаёқатини йўқотган ота-онага ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар” деган ҳуқуқий матн ота-онани умрининг охиригача оила бағрида авайлаб-асраш маъносида қабул қилинса, айрим халқларда у ота-онани қариялар уйига жойлаштириш сифатида қабул қилинади. Бундай мисолларни ҳуқуқий ахборот таҳлили асосида кўплаб келтириш мумкин.

Ҳуқуқий ахборот миллий қадриятларни ифодалай олмаса, у жамият аъзолари учун бегона, ҳуқуқни менсимасликка олиб келадиган ахборотга айланиши мумкин. Бундан ташқари, агар ҳуқуқий ахборотда миллий қадриятлар зид матнлар пайдо бўлса, жамият аъзоларида ҳуқуққа нисбатан салбий муносабатнинг қарор топишига олиб келиши мумкин.

Шундай қилиб, ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришда ҳуқуқий матнларнинг қадриятларни ифодаладиган мазмуни муҳим роль ўйнайди. Шу билан бирга, умуминсоний ва миллий қадриятлар ҳуқуқнинг жамият ва унинг аъзолари фаровонлигини ошириш учун зарурлигига ишонч ҳосил қилишга ёрдам беради ҳамда ҳуқуқий тарбия ва ахборот муҳитининг ижобий таъсирини кучайтиради.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқий ахборотнинг қадриятларни ифодаладиган мазмуни ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантиришда муҳим бўлиб ҳисобланади:

Биринчидан, ҳуқуқий ахборотнинг қадриятларни ифодалаш хусусияти ҳуқуқни ҳурмат қилиш, қадрлаш, ижтимоий ва шахсий фаровонликнинг шарти сифатида тан олишни таъминлайди.

Иккинчидан, ҳуқуқий ахборотнинг қадриятларни ифодаладиган мазмуни ахборот-психологик муҳит, ҳаётий ҳолатлар ва тажриба, тақлид қилиш идеалларига таъсир қилади ва уйғунликда инсоннинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантиради.

Учинчидан, ҳуқуқий тарбияда ҳуқуқий ахборотнинг қадриятларни ифодаладиган мазмунидан фойдаланиш ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш воситаси сифатида хизмат қилади.

Ҳуқуқий тарбия ва тарғиботда ҳуқуқий ахборотнинг таъсир этиш самарасини кучайтириш учун ҳуқуқий матнларнинг иккинчи, остки қатлами, яъни қадриятларни ифодаладиган мазмунидан фойдаланиш масаласини алоҳида фундаментал тадқиқот доирасида ўрганиш мақсадга мувофиқ.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Тошкент: «O‘zbekiston», 2022. – 440 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/3329163>
3. Саидов А.Х. Сравнительное правоведение. - Москва: Норма, 2006. – 368 с.
4. Ахмедшаева М.А. Рецепция права как фактор модернизации национального права // *Studia Politologiczne. Политический журнал.* 2020, № 58. - С.126-146.
5. Таджихонов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Дарслик. 1-том. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. – 316 б.
6. Амиров З.А. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳуқуқий тарбиянинг роли. Юрид. фан. фал. док (PhD) дисс. автореф. - Тошкент, 2018. – 49 б.
7. Маткаримова Ж.Т. Ўзбекистон ёшларида ҳуқуқни англаш жараёнларининг социологик таҳлили. Соц. фан. номз. дисс. автореф. - Тошкент. 2010. – 26 б.
8. Харт Г. Понятие права. – С.-Петербург: Изд-во С.-Петербур. ун-та, 2007. – 302 с.
9. Юнг К.Г. Психология бессознательного / Пер. с англ. - Москва: «КогитоЦентр», 2010. – 352 с.
10. Andruskiewicz M. The Heritage of Cultural Determinants of Law and Literature: Methodological Findings // *International Journal for the Semiotics of Law - Revue internationale de Sémiotique juridique.* 2021, Volume34 (Issue3). - P.611-621.
11. Matulewska A., Wagner A. The Multiplicity of Third Space of Communication in Law // *International Journal for the Semiotics of Law - Revue internationale de Sémiotique juridique.* 2021, Volume34 (Issue5). - P.1225-1243.
12. Tuori K. Properties of Law: Modern Law and After. - Cambridge: Cambridge University Press, 2021. – 278 p.
13. Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш замонавий босқичда! // URL: [www.yuz.uz/news/huquqiy-axborotni-tarqatish-zaonaviy-bosqichda/](http://www.yuz.uz/news/huquqiy-axborotni-tarqatish-zaonaviy-bosqichda/) 2022